

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

РЎНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН



Вилоят ижтимоий-сиёсий рўномаси

1992 йил 6 июнь • шанба

№ 89 (10.338). Баҳоси 2 сўм.

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАССАЖИР
ТРАНСПОРТИНИ БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Шаҳар автомобиль, электр пассажир транспорти ва метросининг ишини тубдан яхшилаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш мақсадида:

1. Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси, Тошкент метрополитени, Тошкент шаҳар пассажир транспорти бирлашмаси — «Ташгорпассавтотранс» негизда Тошкент шаҳар пассажир транспорти корхоналарининг Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги давлат уюшмасини ташкил этиш тўғрисида юқорида зикр этилган транспорт тузилмалари ҳамда Тошкент

шаҳар ҳокимининг таклифи қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳар пассажир транспорти корхоналарининг давлат уюшмаси («Ташгорпассатранс») мустақил ишлаб чиқариш-хўжалик мажмуи бўлиб, юридик шахс ҳуқуқига эга ва у ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг қарорлари, фармойишларига, уюшманинг ивозига амал қилади ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамжиҳатликда иш кўради, деб белгилаб қўйилсин.

Уюшма таркибига кирув-

чи транспорт корхоналарининг Тошкент шаҳар ҳокимига ҳисоб бериши сақлаб қолинсин.

3. Қўйидагилар Тошкент шаҳар пассажир транспорти корхоналари давлат уюшмасининг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

барча турдаги пассажир транспортининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини мутасил яхшилаш, Тошкент шаҳрининг автомобиль, электр транспорти ва метросининг ишларини мувофиқлаштириш;

барча турдаги пассажир транспортини янада ривожлантириш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш ҳажми ва турларини кўпайтириш, шунингдек меҳнат жамоаларининг ижтимоий шароитларини яхшилаш борасида чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, тегишли идораларга қарашли бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар

билан биргаликда амалга ошириш;

тармоқда ягона техникавий сиёсатни ўтказиш, пассажир транспорти корхоналарини қайта тиклаш ва техника билан қайта қуроллантиришга қўмаклашиш, йўловчилар ташишни ва уларга хизмат кўрсатишни ташкил қилишда бошқа давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш.

4. Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси мазкур фармонни рўёбга чиқариш, шунингдек автомобиль ва электр пассажир транспорти ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш масалаларини қайта кўриб чиқиш борасидаги ташкилий тадбирларни кўзда тутувчи қарорни ўн кун муддат ичида қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1992 йил 4 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ
УРТОҚ К. Н. ТУЛАГАНОВНИ
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ БОШ
ВАЗИРИНИНГ УРИНБОСАРИ
ЭТИБ ТАЙИНЛАШ
ТЎҒРИСИДА

Уртоқ Козим Носирович Тулаганов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин ва у «Главташкентстрой» бошлиғи — Ўзбекистон Республикаси вазирлиги вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

1992 йил 4 июнь,
Тошкент шаҳри.

БОЙ БЎЛАЙ ДЕСАНГ...

Ўзбекистон металлургия заводининг марказий тажрибахонаси мутахассислари пўлат изларнинг янги нусхасини ишлаб чиқариш ҳақидаги таклифларини жорий этиб, корхонага деярли беш миллион сўм фойда келтирдилар.

Ҳозир металлургия учун металл парчалар етишмапти, шунга қарамай улар талаб ортиб бораётган пў-

лат ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Металл парчаларини улар бутун республика ҳудудидан, ҳатто ташқаридан ҳам йиғиб келишмоқда. Айни пайтда олинган пўлатдан прокат ишлаб чиқаришни кўпайтириш усули топилди, бу эса завод учун иқтисодий жиҳатдан фойдалироқ.

Корхонада техникани такомиллаштириш давом этмоқда. Чунинчи пўлат прокати цехида маҳсулот ишлаб чиқариш ва жўнатиш технологияси такомиллаштирилди. Совимаган металлни прокат қилиб, арматурабоп металл ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Тажрибахонада уч қиррали пўлат сифатини яхшилаш имконияти топилди. Ҳозир

Бекобод метали чет мамлакатларга ҳам чиқаришмоқда, бунинг эвазига корхона ишлаб чиқариш учун гоёт зарур электродларни олмақда. Бундай янгиликларни жорий этиш туфайли миллионлаб сўм пул тежаб қолинмоқда.

Завод жамоаси ишлаб топилган қўшимча фойданинг бир қисмидан ижтимоий масалаларни ҳал қилиш учун фойдаланиш ниятидадир.

(ЎЗА мухбири).

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1992 йил 4 июндаги фармони билан Наманган вилоятидаги Мингбулоқ конида кучли нефть фавворасини жилолашда намуна кўрсатган ишчилар ва хизматчиларнинг катта гуруҳига Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонлари ва фахрий ёрлиқлари берилди. Фармон матни республика Олий Кенгаши ахборотномасида ва вилоят матбуотида эълон қилинади.

(ЎЗА).

• ОБУНА—92

«ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ» МУШТАРИЙЛАРИГА

Хурматли муштарийлар!
Матбуотни етказиб бериш хизматлари, полиграфия харажатлари, қоғоз нархи қимматлашганлиги туфайли илгари йилнинг иккинчи ярми учун «Тошкент ҳақиқати»га эълон қилинган обуна нархи мақсадга мувофиқ бўлмай қолди. Шу сабабли бугун обунанинг янги нархини эълон қилишга мажбур бўлдик. Бунинг учун Сизлардан узр сўраймиз ва бизни тўғри тушунасанлар деган умиддамиз.

Демак, «Тошкент ҳақиқати» учун 1992 йилнинг иккинчи ярмига обуна баҳоси:

6 ойга — 120 сўм,
3 ойга — 80 сўм,
1 ойга — 20 сўм.

Эслатиб ўтамиз: «Тошкент ҳақиқати» савдога чекланган миқдорда чиқади ва унинг чакана савдодаги нархи обунаникидан юқорироқ бўлади.

«Тошкент ҳақиқати»ни 1992 йил 1 июлдан эътиборан хонадонингизга етказиб берилишини хоҳласангиз обунани шу йил 10 июнгача расмийлаштиришни унутманг. Бу муддатдан кечикканларга обуна ундан кейинги ойларга расмийлаштирилади.

«Тошкент ҳақиқати»нинг индекси. — 64672.

БЕКОБОД ПИЛЛАСИ

Ноҳия пиллакорлари уюшқоқлик билан меҳнат қилиб дастлабки ютуққа эришдилар. Ҳозирги кунга қадар қабул пунктларига 200 тоннадан ортиқ қимматбаҳо хом ашё топширилиб, режа ошириб бажарилди. Ҳар кунти кунти уруғидан 54 килограммдан пилла олинди.

Қурт боқувчилар ўз ижкониётларини чамалаб кўриб, режага қўшимча яна 20 тонна пилла топширишга аҳд қилдилар. Ана шунда ҳар

қути қурт уруғидан олинган хом ашё ўрта ҳисобда 60 килограммга етказилади.

Суратда: ноҳиядаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги пиллачилик бригадари (чапда) А. Раҳимқулов ва А. Султоновлар ҳосил чўғидан мамнун бўлмоқдалар.

Пиллакор Абдурафиқ Султонов 30 грамм инак қурт боқиб, ундан 150 килограммдан ошириб маҳсулот топширди.

Б. САФАРОВ сурати.



ҚУТЛОВ



Тошкент вилояти Ҳокимияти ички ишлар бошқармаси шахсий таркиби ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бўлими бошлигининг ўринбосари, ички хизмат майори Миркарим Мирсовуровга Қадрли Миркарим Мирсолевич!

Сизни ана шу янги лавозим билан атаймиз. Куни кеча шахсий ҳаётингиз ва меҳнат фаолиятингизда икки муҳим воқеа муносабати билан ўзингиз хизмат қилаётган вилоят ички ишлар бошқармасининг аҳил ва уюшқоқ жамоаси, ёр-дўстларингиз ва қариндош-уруғларингиз Сизни самимий қутлаганидан хабаримиз бор. Билдирилган барча яхши ният ва истакларга биз ҳам тўлиқ қўшилаемиз. 50 ёшингиз ва хизмат лавозимида бир поғона кўтарилганлигингиз муносабати билан биз ҳам дил сўзларимизни изҳор этмоқчимиз.

Турли масъул лавозимларда узоқ йиллар давомида ҳалол ва фидокорлик билан ишлаб, ўзингизни кўр-

сатдизгиз, катта ҳаётий тажриба орттирдингиз, қадр-қиммат, эътибор ва обрў топдингиз. Қаерга ишга тавсия этишса, шу ерда нонгузни оқладингиз, шу боисдан ҳам Сизга алоҳида ишонч билдирилиб вилоят ички ишлар бошқармасига масъул лавозимга йўллашди. Мана, ўн йилдан ошдики, Сиз бу соҳада ҳам фидойилик кўрсатиб келмоқдасиз.

Бизни қувонтирган томони шундаки, Сиз шу давр ичида вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот марказининг раҳбари сифатида вилоят ички ишлар бошқармаси билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамладингиз, доимий ижодий ҳамкорлик ўрнатдингиз. Қарийб 12 йилдан бери Сизни «Тошкент ҳақиқати» рўномаси биносида тез-тез кўришга одатланиб қолганмиз, шошиб-пишиб турли мавзудаги мақолалар, шошилич хабарларни келтириб туришингиз, милициянинг кундалик жанговар ҳаётидан бизни ўз вақтида огоҳ қилиб туришингизга жамоамиз ўрганиб қолган, жамоатчи муҳбир сифатида бизга қилаётган хизматларингиздан миннатдоримиз.

Сиздаги ишчанлик, теъкорлик, самимият ва хусусан оддийлик ва камтарликни гоётда қадрлаймиз. Сиз каби доимий содиқ таянчларимиз туфайли кўнглимиз тўн.

Сиз эндигина навқирон 50 ёшга тўлдингиз. Бу чинакам камолот ёши, инсон умрининг сермахсул, орзу-ҳаваслари ушаладиган балогат палласи. Ҳали ниятларингиз катталиги, мақсад ва интилишларингиз муайянлиги, ушалмаган орзуларнинг мўллиги табиий. Ана шуларнинг барчасига эришишни Оллоҳ Сизга насиб этсин. Умрингиз узоқ, толеингиз баланд, метиндек соғлиқ ва омад ҳамиша ёр бўлсин.

ҲУРМАТ БИЛАН «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАСИ.



ЯНГИ ШАҲАР маҳалласида ҳашар йўли билан қурилган масжид очилиши теварак-атрофда истиқомат қилувчи мўмин-мусулмонларни мамнуи қилди. Ана шу маросим муносабати билан ўтказилган йиғилишда Қизил Ярим ой жамияти вакиллари томонидан маҳалла фахрийларига совғалар, меҳр-шафқат жамғармасидан масжидга ва маҳалла комитети раисига Қуръон ҳада қилинди.

СУРАТЛАРДА: масжид очилишига бағишлаб ўтказилган тавтанадан лавҳалар.

Сураткаш А. ПИШНЕНКО.

ШОШИЛИНЧ ЭЪЛОНЛАР ХИЗМАТИ

● Ташкилот пул ўтказиш йўли билан гилдираклар мувозанатини таъмирловчи автомобил кўтаргичини **СОТИБ ОЛАДИ.**

● Германия элчихонаси ўз ходимлари учун квартира ва уйларини **ИЖАРАГА ОЛАДИ.**

Камида 4 хонадан иборат яхши аҳволдаги салқин жойларда ва марказдан узоқ бўлмаса таклиф қилишингиз мумкин. Иш кунлари куйидаги телефон бўйича қўнғироқ қилингиз: 32-79-40.

СОТИЛАДИ

● Тошкент денгизи атрофидаги Ангрен дарёсининг ёқасида жойлашган қайир жойдаги ўзлаштирилган дала ҳовли сотилади. 91-53-21 телефони орқали соат 17.30 дан кейин қўнғироқ қилингиз.

● Барча қулайликларга эга бўлган 9 сотих, 6 хонали планли уй сотилади. Қуйидаги манзилга хоҳлаган вақтда мурожаат қилингиз: Тошкент вилояти, Бўстонлиқ ноҳияси, Искандар кўрғони, Чехов кўчаси, 45-уй.

● Устама қийматлари билан пола ва ирис ўтказишда керак бўладиган маҳсулотлар сотилади. Қуйидаги манзилга

мурожаат қилингиз: 702400, Олмалиқ шаҳри, 21-алоқа бўлими, 38-абонент қўтиси.

● Дога зотли икки хил рангдаги медалистлар оиласидан бўлган кучук сотилади. Қуйидаги телефон орқали соат 17.00 дан кейин мурожаат қилишингиз мумкин: 34-93-34.

● 2 хоналик, 14 м² ли ошхонаси ҳам бор, 5 сотихли ҳовли сотилади. Автомашина ҳам кирадиган жойи бор, Чакалов метро бекати яқинида. Қуйидаги телефон орқали соат 18 дан 21.00 гача мурожаат қилишингиз мумкин: 54-17-75.

● Яхши аҳволдаги «Беларусь» пианиноси шошилич сотилади. Қуйидаги телефон бўйича хоҳлаган вақтда мурожаат қилишингиз мумкин: 63-29-78.

● АБ 1/220 В янги бензоагрегат, 25 м² ли эман паркет, эман эшиги ва «Ракета» чағитовалагичи арзон баҳоларда сотилади: Телефон: 66-45-05.

● Яхши аҳволдаги теннис ракеткасини

СОТИБ ОЛАМАН.

Телефон: 23-20-54.

ДИҚҚАТ!

Янгидан ташкил этилган **МИРЗО УЛУҒБЕК НОМЛИ УЛГУРЖИ-ЧАКАНА МЕВА-САБЗАВОТ КОМБИНАТИГА:**

— бош ҳисобчи;

- Бош ҳисобчи ўринбосари;
- ҳисобчилар;
- раҳбарчи;
- ходимлар бўлимининг бошлиғи;
- омборхона, база ва дўконларнинг мудирлари

КЕРАК

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси (аввалги Луначарский шоҳ кўчаси), 317-уй.
Телефон: 66-40-18.

Қўшиқ айтган ётар муродга

Ижоднинг кўпчилиги учун марҳаматлик эҳсони шундаки, унинг завқидан доҳий санъаткор ҳам, ғўр ҳаваскор ҳам бебаҳра қолмайди. Ҳасос шоиримиз Абдулла Орипов қаламига жансуб бу ибора хушовоз хонанда ва қўшиқнавис шоир, журналист Нуриддин Аминжонов ижодига ҳам хосдир. У қўшиқ ва шеърят шайдоси. У қуйлаган қўшиқлари кишиларга нақадар ором бағишласа, унинг шеърлари билан айтадиган қўшиқлар хонандага ҳам, тингловчига ҳам завқ бағишлайди.

Н. Аминжонов кўп йиллардан бери республика радиоси мусиқали эшиттиришлар бош муҳаррирининг халқ ижодиёти бўлимига бошчилик қилиб келмоқда. Шу вақт мобайнида қанчадан-қанча ҳаваскор хонандалар бу ерда қанот бойлаб, етук санъаткорлар сафидан ўрин олди. Улар орасида халқ артисти ва хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлганлар талайгина. Улар ҳамон Нуриддиннинг номини «устоз» дея ҳурмат билан тилга олишади. Бунинг сабаби бор, албатта.

Одатда халқ истеъдодларининг қобилияти текшириб кўрилиб, сараланади. Аммо

Нуриддинга мурожаат қилган бирорта ҳам ёш хонанда унинг кўмагидан бевазир бўлмаган. Чунки унинг мақсади иложи борича ёшларни юзага чиқариш, миллий санъатимиз ривожига ҳисса қўшишдан иборат. Қолаверса, у республикада ўтказилаётган барча ҳаваскорлик кўрик-танловларида фаол иштирок этиб, истеъдод эгаларини аниқлаш ва уларни халққа танитишда жонбозлик кўрсатапти.

Куни-кеча Бекобод район маданият уйида Нуриддиннинг ижодига бағишланган адабий-мусиқий кеча ўтказилди. Район маданият бўлими уюштирган ва «Дилра

бо дамлар» деб номланган бу кечада Тошкентдан бир қанча шоир ва санъаткорлар, ҳаваскор қўшиқчилар ташриф буюришди. Учрашув кечасини бошлаб берган район маданият бўлими муdiri О. Тўйчиева Бекободда бадий ҳаваскорликни, жумладан, қўшиқчилик санъатини ривожлантиришда Н. Аминжоновнинг хизматлари катта эканлигини таъкидлаб ўтди.

Республика радиоси сўз устаси Қурбонали Исқандарий бошқарган ижодий кечада шоирлардан Нормурод Нарзуллаев, Тўлқин Имомхўжаев, Носир Муҳаммадлар қўшиқнавис шоирнинг ижоди ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб, дил сўзларини изҳор қилишди. Таниқли санъаткорлар Улмас Расуллов, Гулбаҳор Сулаймонова, тошкентлик, бекободлик, сирдарёлик бошқа кўпгина ҳаваскор хонандалар Нуриддиннинг шеърларига басталанган қўшиқларни ижро этишди.

Нуриддин аканинг шеърлари жўшқин бўлиши билан бирга, сўзларининг соддалиги билан ҳам ажралиб туради. — дейди «Намолот-89» республика танловининг ғолиби Шомаҳмуд Шораҳмедов. — Шу сабаб, машҳур хонандалар ҳам, биз каби ҳаваскорлар ҳам бу қўшиқларни севиб қуйлаймиз.

Навбат кеча сабабчисига берилди. У дастлаб ўзининг янги ёзган шеърларидан ўқиб берди. Сўнгра қўлига торини олиб, мумтоз ашула бошлади. Навбат шўх қўшиқ ва лапарга келганда эса зал саҳнага айланди.

— Санъатнинг сеҳри нақадар кучли эканлигини бугун яна бир бор ҳис этдим, — деди сўзга чиққан Бекобод райони ҳокими М. Расуллов. — Халқимизда «Қўшиқ айтган ётар муродга» деган нафл бор. Аммо мен бугун бу сифат қўшиқ яратувчига ҳам тааллуқли эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдим.

Бахтиёр МАНСУРОВ.

Товоқсой янгиликлари

ТУҲФА

«Қўрғон» ва «Искандар» матлубот жамиятлари раҳбариятларининг ташаббуси билан Улуғ Ватан урушида ва Афғонистонда ҳалок бўлган жангчиларимизнинг хотирасига ёдгорлик Тovoқсой қўрғони Шўроси ижроқўмининг биноси ёнига қўйилди. Унга Қўрғондан урушга кетиб, қайтмаган жангчиларнинг номлари битилган. Ёдгорликнинг очилиш маросимида Вўстонлик район ҳокими Қ. Йўлдошев, меҳнат ва уруш фахрийларининг раиси А. Раҳимбердиев ўртоқлар қатнашди. Ингилишда ички қўшинлар ва десантчиларнинг вакиллари ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этдилар.

ЯХШИ ТАШАББУС

Товоқсой Қўрғонидаги Туркистон кўчасига масжид қуриш учун қўрғон Шўроси раҳбариятидан ружсат сўралган эди. Ниҳоят, уларнинг розилиги билан маҳалла йигитлари яхши ташаббусни бошлади.

Шу кунларда Муродилла Асомов, Сухроб Тўйчиев, А. Мирзаев, Йўлдош Абралов, Собир Минбоев каби қирқ нафар кишилар дастлабки қурилиш ишларини бошлаб юбордилар. Бу савобли ишга аҳоли ҳам баҳоли қудрат ёрдам бермоқда.

ФУҚАРОЛАР МАМНУН

Ўтган йили Искандар қўрғон шўроси мингдан ортиқ фуқароларга ер участкаси ажратган эди. Бу йил эса ана шу хонадонларнинг деярли ярмидан кўпи ҳовли тўйларини ўтказиш таратди.

Озодбош Қўрғонидан ер участкаси олган Эргаш Мақсудов, Усмон Ашуров, Тўла Туркменов, Тovoқсой Қўрғондан Зайниддин Ходиев, Т. Топилдиев каби фуқаролар қурилиш ишларини бошлаб юбордилар.

Турсун ФЗАЛ ўғли.

40 ХОНАДОНГА МЎЛЖАЛЛАНГАН

ЯҚИНДА «Оҳангарон-цемент» бирлашмаси ишчи-хизматчилари шаҳардаги биринчи механизациялашган кўча колонна қурувчиларидан ажойиб совға олишди. Бинокорлар қирқ хонадонга мўлжалланган кўп қувватли уйни уларга топширишди.

Уйни бунёд этишдек хайрли ишда, айниқса, Мария Либакина ҳамда Валентина Дюминина бошлиқ бригадалар аъзолари жонбозлик кўрсатишди. Улар ушбу бинони муддатидан бир ой ilgari фойдаланишга топшириш юзасидан зиммаларига олган мажбуриятларини ша раф билан уддалади.

А. МАҲКАМОВ.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати
МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ




Пойтахтимизнинг «Алломиш» (собиқ «Юбилейний») спорт саройида таэквандо бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Унда пойтахтликлар ва вилоятимиз вакиллари билан бирга Бухоро, Навоий, Фарғона вилоятларидан, Қорақалпоғистон мухтор республикасида келган 206 спортчи иштирок этди.

Ғолиблар ва совриндорлар Пхеньянда (КХДР) ўтказиладиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўришди. Бу биринчиликда Ўзбекистон терма жамоаси илк марта мустақил давлат сифатида иштирок этади.

Суратларда: аёллар мусобақалари қатнашчилари (чапдан ўнга) В. Ли, В. Саркисова, Ф. Муракаева ва С. Кимлар ўзаро фикр алмашмоқдалар, мусобақа лаҳзаси.

Сураткаш
Р. ЖУМАНИЗОВ.
(ЎзА).



ЭЪЛОН ЭЪЛОН

Ўзбекистон Халқ таълим ва тарбия қўмитаси қoшидаги «АБУ АЛИ ИБН СИНО» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ СИЗЛАРНИ

Юрак-томир тизими, кўз, тери, аёллар касалликлари, аллергия, нафас қисилиши, бронхларнинг яллиғланиши, бод, соч тўкилиши, уйқусизлик, пешобни тута билмаслик ва асаб тизими билан боғлиқ бошқа касалликлар, туз йиғилиши, буйрак касалликлари, ўт пуфагида тош йиғилиши каби касалликларда

СОҒЛОМЛАШТИРИШ-ДАВОЛАШ ЕРДАМИНИ ОЛИШ УЧУН ТАКЛИФ ЭТАДИ

Турли хил илми-амаллар, дудуқланиш, асабий тангликлар, руҳий тушкунлик ҳолатлари даволанади.

СИЗ ШИФО ТОПИШ УЧУН:

1. Даволовчи-шифокор, халқ табиби, терапевт Мухтабар Еқубовага соат 9.00 дан 20.00 гача,
2. Уқаловчи-халқ табибига соат 9.00 дан 20.00 гача,
3. Гиёҳлар билан даволовчи фитотерапевтга соат 9.00 дан 20.00 гача,

4. Нина билан даволовчи хитойлик жарроҳ Дулам Эъдан соат 9.00 дан 20.00 гача учрашингиз мумкин.

Сотувда Чимён, Чотқол тоғларида терилган турли хил шифобахш гиёҳлар, Небитдоғдан келтирилган мўмиё бор.

Тажрибали тиббий мутахассислар, табиблар, халқ шифокорлари томонидан яқка тартибдаги қабул ҳам олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, тақдир ва ҳаёт йўлига бефарқ қарай олмайдиганлар башоратчи-фолбин Гулчехра Пулатова қабулида ҳам бўлишлари мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ: 700003, Тошкент шаҳри, Марказий Маданият ва истироҳат боғи, «Ўзбекистон» миллий боғи (аввалги Ленин Комсомолли номли Марказий Маданият ва истироҳат боғи).

«Хўжалик ҳисобидаги спорт-соғломлаштириш комбинати» биносидан, «Абу Али ибн Сино» илмий-ишлаб чиқариш маркази.

Бориш йўли: 51, 11, 13, 153, 181, 180-автobуслар; 2, 3, 6, 7, 12, 14-троллейбусларининг «Бешёғоч бозори, Комсомол кўли» бекати.